

Қозоғистонда халқаро илмий-амалий конференция бошланди



16:00 / 25.11.2021 1251

Бугун, 25 ноябрь куни Қозоғистоннинг Нур-Султон шаҳрида Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси томонидан мамлакат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланган «Мустақил Қозоғистон ва ислом қадриятлари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бошланди.

Анжуманда Қозоғистоннинг мустақиллик йилларида маънавий соҳада эришган ютуқлари, Қозоғистоннинг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Ислом дини ривожига ва динлараро тотувликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси ҳамда Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев ташаббуси билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинмоқда.

Шунингдек, қўшни ва хориж мамлакатлар билан дўстона алоқалар, мўмин-мусулмонларнинг иттифоқлиги йўлида диний пешволар томонидан амалга

оширилаётган ишлар ва ҳамкорлик алоқаларининг янги босқичи тўғрисида сўз бормоқда.

Ушбу нуфузли тадбирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла ҳазратлари, Россия Федерацияси мусулмонлари диний идораси раиси, муфтий Шайх Равил Гайнутдин, Россия мусулмонлари Марказий диний идораси раиси, Шайх-ул Ислон, муфтий Талгат Сафо Тажуддин, Қирғизистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Замир ҳожи Ракиев, Тожикистон ислом маркази раиси, муфтий Саидмукаррам Абдуқодирзода ҳазратлари, Мўғилистон мусулмон ташкилотлари иттифоқи раиси Ҳадис Ботирбек ҳожи, Қозоғистондаги «Нур-Муборак» Миср ислом маданияти университети ректори Муҳаммад аш-Шаҳхат ал-Жиндий, Россия Олтой Республикаси мусулмонлари диний бошқармаси муфтийси, Осиё мусулмонлари диний бошқармаси раиси Жанболат Охтаубаев, Омск ва Омск вилояти раиси Бота Бакулин сингари Ислон оламининг мартабали уламолари, муфтийлари, экспертлари ва маҳаллий йирик дин пешволари қатнашмоқда.

Халқаро анжуманда давлат ва жамоат арбоблари, зиёлилар, тарихчилар, хорижий давлатлар элчилари, вилоятлар бош имом-хатиблари ҳам иштирок этмоқда.